

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**266 «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1318-4*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 01-02/12-3-сон қарори (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 103-модда) билан тасдиқланган «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2015 йил 28 апрель,
01-02/12-18-сон

3. ДУСАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил
28 апрелдаги 01-02/12-18-сон қарорига
ИЛОВА

**«Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд «божхона омборига» деган сўзлардан кейин «ёки божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Божхона омбори режимига жойлаштириладиган товарлар, мазкур

Низомнинг 1-илоvasида келтирилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь) мувофиқ электрон ёки божхона юк декларациясининг (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) белгиланган қоғоз бланкасида ёзма шаклда декларацияланиши лозим.

7. БЮД билан божхона органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: товарларнинг юк ва товар кузатиш ҳужжатлари (юк хатлари, коносаментлар, спецификациялар, ҳисоб-фактуралар, инвойслар);

божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар (божхона кўриги ва қайта ортиш далолатномалари, экспертиза хулосалари).

Сертификатланадиган товарларни божхона омборига ёки божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларга жойлаштиришда сақлаш муддати учун сертификат тақдим этилиши талаб этилмайди.».

3. 10-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «божхона юк декларацияси» деган сўзлар «БЮД» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

4. 24-банд «омборда» деган сўздан кейин «ва божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдончаларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Божхона омбори режимида сақланаётган ва бир божхона омборидан бошқа божхона омборига олиб ўтилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда юкни етказиб бериш назорат китобчасидан фойдаланилади.

Товарларнинг божхона кўриги амалга оширилгандан сўнг ва кейинчалик сақланадиган божхона омборига амалда жойлаштирилгандан сўнг, ушбу омбор жойлашган ҳудудда фаолият кўрсатувчи божхона пости ходими БЮДнинг 49-катагига қўшимча равишда товарлар жойлаштирилган божхона омборининг лицензия рақами ва санасини кўрсатади.».

6. Низомнинг 1-илоvasидаги «С-устун. «Жўнатувчи/экспорт қилувчи» деган сўзлар «С-устун» деган сўз билан алмаштирилсин.